## МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКА ХАЗИНАСИНИ ТЎЛДИРАЁТГАНЛАР

# ИККИ ТОМОН МАНФААТ КЎРАДИ

Инсоннинг маънавий дунёсини бойитишда матбуотнинг ўрни беқиёс. Бўлаётган ўзгаришлар, меҳнаткашлар ҳаётидаги муваффақиятлар, муаммолар, аччиқ турмуш сабоқлари, қадрият ва маънавият — ҳамма-ҳаммаси рўзнома, ойномалар саҳифаларидан жой олади. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтай. Жамоа хўжалигимизда 9 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу катта куч. Улар ҳар йили кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, эл дастурхонига тортиқ этадилар. Уларнинг мардонавор меҳнатларини тарғиб қилишда матбуотнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Қишлоқ ҳақиқати»ни мунтазам ўқиб борамиз. Берилаётган турли мавзулардаги мақолалар ишимизга дастур бўлиб хизмат қилаяпти. Рўзнома жумҳурият Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг таркибига кирувчи, лекин иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган «Узпчелопром», «Узптицепром», «Узхлопкопром», «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгроқ ёритишга ўрин ажратишидан ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Шу ўринда хўжалигимиз меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар хусусида тўхталмоқчиман. Жорий йилда 1.111 гектар ерда пахта етиштирдик. Режамиз катта: давлатга 3488 тонна ўрнига 4000 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси сотиш. Айни пайтда 18 та бригадада йиғим-терим қизғин бораяпти. Далаларда 11 та агрегат унумли ишлатилмоқда. 1300 дан ортиқ чеварлар қўл теримида фаол. Мавсумда 8—10 тонналик хирмон яратиш иштиёқида меҳнат қилаётган Тўтихон Шоймардонова, Манзура Жумақулова, Шоира Насруллаева, Турсунтош Остонаева, Тошбиби Ашурова кунига 170—180 килограммдан дур теришаяпти. Абдуҳалил Раҳимов, Аҳмад Исмоилов, Малик Остонаев, Исомиддин Сатторов бошлиқ бригадалар кунига йиллик режанинг 4—5 фоизи миқдорида ҳосил топширмоқдалар. Хўжалигимизда бугунгача топшириқ 90 фоиздан ошириб бажарилди. Далаларда ҳали ҳосил мўл.

Энди рўзнома обунаси тўғрисида гапирмоқчиман. Унинг нархи ошганлигига қарамай, меҳнаткашларимиз бажону дил ёзилишмоқда. Негаки, пахтадан олинаётган даромадимиз ошаяпти. Ҳар бир оилага арзон нархда дон, пиёз, бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Бу ҳам ўз-ўзидан кишиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Бир кунлик терилган оқ олтин пули «Қишлоқ ҳақиқати»нинг йиллик обунасига бемалол етади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ меҳнатчисининг дардини эшитадиган, унга амалий кўмак берадиган рўзномада келгуси йилда ҳам ободончилик, меҳнаткашлар истак ва таклифларини инобатга олиб ёритилаётган мақолалар кўпайса. «Томорқа — дастурхон баракаси», «Аччиқ асал», «Гулқайчи», «Қонун номи билан», «Мунозара минбари», «Қут-барака сарчашмаси», «Аёл қалби» сингари рукнлар остида ва махсус саҳифаларда қизиқарли мақолалар берилса. Қишлоқ муаммолари хусусида тез-тез чиқишлар бўлиб турса.

Хўжалигимиз ҳудудида яшовчи аҳолининг яшаш тарзи ёмон эмас. Бироқ кишини ҳанузгача ўйга толдирадиган бир муаммо борки, у ҳаммамизни ранжитмоқда. Тожикистон жумҳуриятининг Турсунзода алюминий заводи билан хўжалигимиз аҳолиси истиқомат қилаётган қишлоқларнинг орасидаги масофа 35 километр. Заводдан чиқаётган фтор гази таъсир этмаган нарса қолмади. Айниқса пилла, сархил мевалар, сабзавот етиштириш, боғ-роғлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу ҳақда жуда кўп гапирилди. Қанча-дан-қанча тадбирлар белгиланди. Лекин қоғозларда қолиб кетаётган ваъдалар кимга ҳам керак?

Йирик газ магистрали хўжалигимиз орқали ўтади. Лекин хонадонларимиз ҳанузгача баллонли газдан фойдаланишмоқда. Унда ҳам тез-тез узилиш бўлиб туради.

Яқинда ўзаро маслаҳатлашиб, 30 нафар кишини хўжалик ҳисобидан обуна қилдик. Бундан ташқари 170 киши ихтиёрий равишда рўзномага ёзилишди. Шундай қилиб, келгуси йилдан бошлаб 200 нафар муштарий «Қишлоқ ҳақиқати»ни мунтазам ўқиб боришади.

**Ҳ. НАСРУЛЛАЕВ,**
**Денов районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**



* * *

**Жамоатчи мухбиримиз Ш. Султонов олган ушбу суратларда Денов районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг шу кунларда пахтазорларда олиб бораётган ишларидан айрим лавҳалар акс эттирилган. Жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Муродилла Очилов ва юқори ҳосилли бригада етакчиси Мелик Остонаевларни ўзаро суҳбатлашаётган пайтда кўриб турибсиз (юқоридаги сурат). Кўпмингкилограммчилик ҳаракатида фаол иштирок этаётган Инобат Холова (пастдаги сурат) ҳозиргача 7 тоннадан зиёд дурдона терди.**









**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Янгиариқ районидаги Киров номли колхозда меҳнат қилишнинг илғор усули — ижара пудрати кенг қўлланилмоқда. Пудратчи бригадирлар Зерипбой Бердиев, Султон Бобожоновлар даласида бу йил ҳосил мўл битди. Мусобақадош бригадалар биринчи теримдаёқ 12 тоннадан, 2-теримда 7 тоннадан биринчи навли ҳосил йиғиштириб олдилар. Бу гектаридан 44 центнердан ҳосил тўпланди демакдир. Аммо далада ҳалигача ҳосилнинг чўғи баланд.

**СУРАТЛАРДА:** 1. Жамоа хўжалигининг раиси Матжон Мадраҳимов пудратчи бригада бошлиқлари Зерипбой Бердиев, Султон Бобожонов, Худойзар Жуманиёзовлар далалардаги ҳосилнинг чўғини кўздан кечиришмоқда. 2. Ҳосил чўғи. 3. Илғор механизатор Қаландар Ҳамроев. У шу кунларда ўз агрегати билан 10 тонна атрофида пахта териб хирмонга тўкмоқда.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

# РАҒБАТ — УНУМДОРЛИК ОМИЛИ

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалиги далалари Тошкент — Жиззах катта йўлининг икки томонига жойлашган бўлиб, паст-баландликлардан иборат. Деҳқонлар жорий йилда 465 гектар майдонга чигит қадаб, 1.488 тонна оқ олтин етиштиришга аҳд қилишган. Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган.

Ҳозир далада терим энг қизиган пайт. Хўжаликнинг Абдумутал Эминов, Жўра Анорбоев, Махан Норматов, Ҳожиакбар Ҳожимирзаев етакчилик қилаётган бригада заршунослари гектаридан ҳосилдорликни 34 центнерга етказиш ниятида.

Жамоада 350 гектар майдондаги ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилди. Айни пайтда Абдуқаюм Валиқулов, Жўра Анорбоев, Абдумалик Абдураимов, Нормат Тўйчиев сингари механизаторлар кунига 5—6 тоннадан оқ олтин териб, хирмонга барака киритишяпти. Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда пўлат этаклардан 120—130 тоннадан дурдона тўкишга аҳд қилишган.

Мавсумда бу ерда ҳам қўлда терилган бир килограмм пахта учун 40 тийин, машинада йиғиштириб олинган бир тонна хом ашёга 25 сўмдан ҳақ тўланаяпти. Агрегатларда саранжомланганига иккинчи теримда ҳар тоннасига 30 сўм, учинчисида эса 40 сўмдан тўлаш режалаштирилган.

Хўжаликнинг тўққизта дала шийпони мавсумга пухта тайёрланган. Радио, телевизор, холодильник пахтакорлар хизматида. Бу ерда теримчилар учун бир маҳал, механизаторларга икки маҳал иссиқ овқат, чой тайёрланмоқда.

Кўпмингкилограммчи чеварлар баҳси ҳар ўн кунда якунланиб, бир тоннаю 300 килограмм пахта терганларга қўшимча 35 сўм, 1 тоннаю 250 килограммга 30 сўм, 1 тоннаю 200 килограммлик кўрсаткич учун 25 сўм пул мукофоти бериб борилаяпти. Ниҳоят Тошматова Манзура, Омонбоева Комила, Мирзатоева Анорбуви, Ерматова Ҳолида сингари теримчилар кунига 100—120 килограммдан оқ олтин териб, ҳамкасблари ўртасида пешқадам.

Яна Назар ота номидаги 200 сўм пул мукофоти ҳар беш кунда энг юқори кўрсаткичга эришган, режани адо этган жамоаларга бериб борилаяпти.

Деҳқонлар ўтган йили жами 2 миллион 640 минг сўм даромад қилган бўлиб, жорий йилда эса 5 миллион сўмни мўлжаллашаяпти. Одамларга 100 сўмдан қоплама пули тўланмоқда.

— Бу йил деҳқонларимиз мураккаб шароитда мўл ҳосил етиштиришди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Қодиржон Қоражонов. — Айни пайтдаги вазифамиз мавсумда ялпи сафарбарликни таъминлаб, зиммадаги режа ва мажбуриятни шараф билан уддалаш. Ҳозир режанинг 2—3 фоизи миқдорида хом ашё тайёрланмоқда.

**Э. ТЎЛАГАНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

# ЮҚОРИ ҲОСИЛ УСТАЛАРИ

**Чортоқ район радиоси муҳаррири Одилжон МЎМИНОВ хабар қилади:** — Райондаги А. Навоий номли жамоа хўжалигининг Ёқубжон Усмонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари йиллик режани бажардилар. 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 ўрнига 41,5 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 135 тоннаси машиналар ёрдамида терилди. Давлатга сотилган 230 тонна хом ашё юқори навларга қабул қилинди. Механик-ҳайдовчилардан Умматали Иброҳимов, Одилжон Ражаббоев, чеварлардан Моҳид Мўминова, Саида Ҳасанова, Маҳмуда Иномовалар алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Бригада меҳнат аҳли яна 45 тонна жавоҳир йиғиб олиш, ялпи хирмонни 275 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. Ҳар куни 4,5—5 фоиз миқдорда дур топширилаяпти.

Жамоа хўжалиги заршунослари 815 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 2950 тонна пахта етиштиришга сўз беришган. Шу кунларда 9 та машина, 700 дан ортиқ колхозчи далада. Ҳар куни 5 фоиздан ортиқ ҳосил тайёрланаяпти.

**«Жиззах овози» рўзномаси ходими О. Ҳамзаев хабар беради:** — Жиззах районидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигининг Карим Исақулов бошлиқ бригадаси заршунослари йиғим-теримни илғорлар қаторида бошлашганди. Айни кунларда бригада далаларида 3 та зангори кема унумли ишлатилаяпти. Механизаторлар Журсун Эргашев, Умар Очилов, Бурҳон Ерлақабовларнинг шижоатлари туфайли жамоа йиллик режани саккиз иш кунида бажарди. Мавжуд 155 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта йиғиштириб олинди.

Ҳали пайкалларда ҳосил кўп. Пахтакорлар унинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмасликка, ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга қарор қилишган.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам мавсум қизғин тус олмоқда. Меҳнат аҳли 2.900 гектар майдондаги оқ олтинни тезроқ саранжомлаш пайида бўлмоқда. 50 та терим машинаси тўхтовсиз ишлатилаяпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига 10—11 тонна дур саранжомланмоқда.

## ҚИТЪАЛАР ОВОЗИ

ВАШИНГТОН. «Биз Яқин Шарққа бағишланган сулҳ конференцияси октябрнинг охирида иш бошлайди, деб умид қиламиз», — деди АҚШ Президенти Жорж Буш журналистлар билан бўлган суҳбатда. Ж. Буш Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишга бағишланган конференция чақирилишига кўмаклашиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга бел боғлаганини уқтириб ўтди. «Конференция ер куррасининг шу минтақасида тинчлик ўрнатиш йўлидаги биринчи катта қадам бўлиб қолишидан умидворман», — деб қўшиб қўйди у. Яқин вақт ичида СССР Президенти Михаил Горбачев билан учрашув ўтказиш имконияти борми, деган саволга жавобан Ж. Буш «ҳозирча ҳеч қандай учрашув режалаштирилган эмас», деди.

●

БЕЛГРАД. Москвада Сербия ва Хорватия Президентлари ўт очишни дарҳол тўхтатишни кўзда тутадиган қўшма ҳужжатни имзолаганликларига қарамай, Хорватиядаги қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Баня-лукадаги армия корпусининг қисмлари Новска, Окучани ва Нова-градишка атрофида Белград-Загреб автомобиль йўли бўйлаб жойлаштирилган. Мазкур корпуснинг қўмондонлиги хорват бўлинмалари армия истеҳкомларига яна ҳужум қила бошлаганини билдирди.

Танюг агентлигининг хабар қилишича, чоршанба куни тушдан кейин бу ерда Югославия халқ армияси бўлинмалари билан серб лашкарларига қарата тўп ва минамётлардан қаттиқ ўқ ёғдирилган. Бир қанча жойларда хорват бўлинмалари танкларни ишга солганлар. Хорватия радиосининг хабарларига кўра, Вуковарда қуршовда қолган хорватлар гуруҳига ёрдам бериш мақсадида мана шундай ҳужум ҳаракатлари қилинган.

●

ТОКИО. Атом электр станцияларидаги хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида Япония шу ойнинг охиригача Совет Иттифоқи билан шартнома тузиш ниятидадир. «Жапан таймс» газетасининг бугун ҳукумат манбаларига асосланиб хабар қилишича, мазкур ҳужжат СССРга ва Шарқий Европа мамлакатларига техникавий ёрдам бериш дастурининг таркибий қисми бўлиб қолади.

СССР Президенти М. Горбачевнинг апрелда Токиога қилган ташрифи давомида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида коперациялашув ҳақида эришилган аҳдномага биноан 28—29 октябрь кунлари Москвада дастлабки ҳукуматлараро маслаҳатлашувлар ўтказилади. Унда атом электр станциялари ишининг хавфсизлигини ошириш учун япон технологияларидан ва тажрибасидан фойдаланиш имконияти кўриб чиқилади. Япон томони атом энергетикаси соҳасидаги ажнабий мутахассисларни ўз юртида қабул этишга тайёр эканини ҳам эълон қилиши кутилмоқда. Келгуси йилнинг апрель ойида мазкур режани амалга оширишга киришилади. Ҳар йили Совет Иттифоқидан ва Шарқий Европа давлатларидан юз нафар мутахассис Японияда тажриба ўрганадиган бўлади.

●

БМТ. БМТнинг Ироқ билан Қувайт ўртасидаги чегарани белгиловчи комиссияси иккала мамлакат ўртасидаги бутун чегаранинг муфассал хариталарини тузиб чиқиш соҳасида бундан буён қилинадиган ишлар режасини келишиб олди. БМТнинг қароргоҳида комиссиянинг 7 октябрдан 15 октябргача бўлиб ўтган мажлисларида қабул қилинган қарорга кўра бу хариталар 1992 йил февраль ойининг охиригача тайёр бўлиши керак. Шундан кейин чегарани белгилаш ишларини бошлаш назарда тутилмоқда. Хариталар осмондан туриб сувратга олиш, шунингдек бевосита жойнинг ўзида қилинадиган ишлар натижасида тузиб чиқилади.

Чегарани белгилаш комиссияси БМТ ҳавфсизлик кенгашининг Ироқ-Қувайт можаросини бартараф этиш асослари тўғрисидаги 687-қарорига биноан БМТ Бош котиби томонидан тузилган эди.

●

НЬЮ-ЙОРК. Чоршанба куни Техас штатининг марказида жойлашган Киллин шаҳри ошхоналаридан бирида қонли фожиа содир бўлди. Тушги танаффус вақтида ошхонада кўп одам тўпланган бир пайтда юк автомобиль шиша деворни синдириб залга кириб келди. Кабинадан сакраб чиққан шофёр нималардир деб қичқириб ярим автомат-тўппончадан одамларга ўқ ота бошлади.

Гувоҳларнинг айтишича, қотил одамларни тўғридан-тўғри отаверган. Полициянинг маълумотларига кўра камида 22 киши ҳалок бўлди. Охирги ўқ билан қотил ўзини ўлдирди. Сал кам 15 киши яраланди.

(ТАСС).

## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР


Жамғарма банки

ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ФАҚАТ НАҚД ПУЛ БИЛАНГИНА ЭМАС, БАЛКИ НАҚД ПУЛСИЗ ЙЎЛ БИЛАН ҲАМ КЎПАЙТИРИШ МУМКИНЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган корхона, ташкилот ёки жамоа хўжалигининг ҳисобчилар бўлимига жамғарма банкида сақланаётган омонат ҳисобингизга Сизнинг пул даромадларингиздан маълум бир миқдорини ўтказиб бориш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Сиз жамғармангизда ойлик маошингиздан, нафақа пулингиздан, суғурта пулидан, давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва воситачи дўконлар орқали сотилган буюмларнинг пулидан ўзингиз кўрсатган миқдордаги пулни ўтказишингиз мумкин.

**Ўзбекистон Жамғарма банки шахсий бюджетингизни тўғри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишда ва вақтингизни тежашда**

**СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ!**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ**

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ

**Қулайлиги ва ўнғайлиги—аён!**

Бу шахсий пул ҳужжати бўлиб, уни талаб қилингунча омонат ҳисоби Ўзбекистон Жамғарма банкининг қайси муассасасида очилган бўлса, шу ердан ёздириб олиш мумкин. Чек дафтарчаси шу жамғармада сақланаётган маблағ таркибидан омонатчига хоҳлаган миқдорида ёзиб берилади.

Чек дафтарчаси берилган кунидан бошлаб икки йил муддатгача ҳақиқий ҳисобланади. Агар Сиз ундан йиртиб олинадиган чек варақаларининг ҳаммасини ишлатиб улгурмаган бўлсангиз, унинг муддати яна қўшимча икки йилга узайтириб берилади.

Сиз чек билан саноат моллари ва маиший хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, чек дафтарчасининг эгаси мамлакатнинг хоҳлаган Жамғарма банки муассасасида чек бўйича пул олиши мумкин.

Чек паспорт кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади.

**ЧЕК ДАФТАРЧАСИНИНГ ЭГАСИ — ОМОНАТЧИНИНГ ҲАММА ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАДИ: ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН МУАММОЛАР ТАРТИБИ ВА ЙИЛЛИК 2 ФОИЗ ДАРОМАД САҚЛАНАДИ!**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ.**

**«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.**



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР
ДОРИЛФУНУНИНИНГ

**СИРТҚИ БЎЛИМИ**

**Агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик мутахассисликлари бўйича контроль ва курс ишларини бажариш учун**

**ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**МАШҒУЛОТЛАР:**

**V курс учун — 1991 йилнинг 11 ноябридан 16 ноябригача,**

**I ва IV курс учун — 1991 йилнинг 25 ноябридан 30 ноябригача,**

**II ва III курс учун — 1991 йилнинг 2 декабридан 7 декабригача ўтказилади.**



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР
ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**6—7 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 да**
**ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА**

**КАТТА КОНЦЕРТ**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Лирик хонандалар: ШОИРАХОН ҒИЁСОВА, БОБИРЖОН РАЖАБОВ, ЗАФАРЖОН ДАВЛАТЁРОВ.**

**Бутун жаҳон сеҳргарлар жамиятининг аъзоси САТТОР ИСЛОМОВ**

**Қизиқчи АБДУҲОЛИҚ МАМАРАСУЛОВ.**

**Концерт дастурини НАЖМИДДИН ҲОЖИМАТОВ олиб боради.**

**Чипталар Сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.**

**Оммавий талабномалар қабул қилинади.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 33-67-73, 45-92-13.**

